

2/2023,
mart-aprel
(№ 00064)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ ВА НОФАОЛ АҲОЛИ БАНДЛИГИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ

Миролимов Мирислом Миршокир ўғли

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.
Тошкент, Ўзбекистон. mirislom.mirolimov3138@gmail.com*

ORCID: 0000-0003-2714-2618

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i8

Аннотация

Ушбу мақолада тошкент вилояти иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик тахлили ёртилган. Шунингдек, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ва ишсизликни камайтиришда “иш ўрни” ва “янги иш жойларини ташкил этиш”нинг зарурати бўйича бир қанча иқтисодчи олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари кенг таҳлил қилинган. Қолаверса, Тошкент вилоятида туғилганлар сони тўғрисида ва кўчиб келганлар сони статистик маълумотлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат бозори ва норасмий бандларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича структураси таҳлил қилинган. Тошкент вилояти иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик тахлили бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тошкент вилояти, фаол ва нофаол аҳоли, аҳоли бандлигидан самарали фойдаланиш, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат бозори.

Статистический анализ эффективного использования занятости экономически активного и неактивного населения Ташкентской области

Миролимов Мирислом Миршокир ўғли

Докторант Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье представлен статистический анализ эффективности использования занятости экономически активного и неактивного населения Ташкентской области. Также подробно проанализированы мнения и комментарии ряда экономистов относительно необходимости «рабочих мест» и «создания новых рабочих мест» в обеспечении занятости населения и снижении безработицы. Кроме того, были проанализированы статистические данные о количестве людей, родившихся в Ташкентской области, и количестве людей, иммигрировавших. Кроме того, структура рынка труда и неформальная занятость в отраслях экономики быстрорастущих Узбекистан был проанализирован. Разработаны выводы и предложения по статистическому анализу эффективности использования экономически активного и неактивного населения Ташкентской области.

Ключевые слова: Ташкентская область, активное и неактивное население, эффективное использование занятости населения, занятость населения, рынок труда.

Statistical analysis of the effective use of employment of the economically active and inactive population of the Tashkent region

Mirolimov Mirislom Mirshokir ugli

Doctoral student of TSUE. Tashkent, Uzbekistan

Abstract

This article describes the statistical analysis of the effective use of the employment of the economically active and inactive population of the Tashkent region. Also, the opinions and comments of several economists regarding the necessity of "jobs" and "establishment of new jobs" in ensuring the employment of the population and reducing unemployment have been extensively analyzed. In addition, statistical data on the number of people born in Tashkent region and the number of people who immigrated were analyzed. In addition, the structure of the labor market and informal employment in the economic sectors of the high-speed growth of the population in Uzbekistan was analyzed. Conclusions and proposals have been developed on the statistical analysis of the effective use of the economically active and inactive population of Tashkent region.

Keywords: Tashkent region, active and inactive population, effective use of population employment, population employment, labor market.

Кириш

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланган меҳнат бозорини самарали ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга қаратиш лозим. Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги инновацион ривожланиш шароитида меҳнат ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш янги ва ўхшаши бўлмаган ёндашишни, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва замонавий тармоқларни тараққий эттириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолининг иш билан бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва меъерий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришни талаб қилади. Ижтимоий-иқтисодий тизимда меҳнат бозори муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур бозорда меҳнатга лаёқатли кишилар ва давлат бирор-бир жамоа ва хусусий ташкилотларнинг номидан иш кўрувчилар ва иш берувчиларнинг манфаати тўқнаш келади. Меҳнат бозорида вужудга келадиган муносабатлар яққол ифодаланган ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, улар мамлакат аҳолиси кўпчилигининг муҳим эҳтиёжларига дахлдор бўлади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини

рақамлаштириш шароитида давлатнинг энг асосий вазифалари бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмиш даражасини яхшилаш ҳисобланади. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга[1].

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни республикада олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодий ислохотлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида инновацион методологик (фундаментал) тадқиқотлар олиб бориш ва уларнинг амалиётга татбиқ этиш иқтисодиёт фани олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Меҳнат бозорининг шаклланиш босқичлари (даври) бир мунча мураккаб бўлиб, мазкур жараён бир тизимдан иккинчисига ўтишда намоён бўладиган бошқа иқтисодий ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Аҳоли бандлигини таъминлаш, фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик таҳлили илмий-назарий ҳамда услубий муаммоларининг айрим жиҳатлари Ж.М.Кейнс, Р.Е.Лукас, А.Освальд, Х.Розан ва Ж.Рудебш, Ф.Хайек каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган[2,3,4].

МДХ мамлакатлари олимларидан меҳнат бозорини ривожлантиришдаги фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик таҳлилинини тартибга солиш муаммолари ҳамда статистик таҳлил ва прогнозлаш масалалари бўйича Е.В. Ванкевич, Н.А. Горелов, Т.И.Заславская, В.Г.Костаков, А.Э.Котляр, И.С.Маслова, А.А.Никифорова, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, С.Г.Струмилин, В.И.Плакса, С.А. Айвазян, М.Ю.Архипова, Т.В. Сарычева, Н.В. Стройкина, Т.А.Дуброва, Е.А Долгих, Ю.П. Лукашин, В.С. Мхитарян, А.Л. Орлова, А.Л Пересецкий, А.А. Френкель каби олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган[5,6,7].

Республикада иқтисодчи олимлари К.Х.Абдурахмонов, Н.С.Алиқориев, З.Акбарова, Г.К.Абдурахманова, Л.М.Максакова, Ш.Ю.Махкамова, Х.И.Мўминов, К.З.Хомитов, Р.А.Убайдуллаева, Ш.Р.Холмўминов, Н.Хўжаев, Т.Ш.Шодиев, С.С.Фулумов, Б.К.Ғойибназаров ва бошқалар томонидан бозор иқтисодиётига асосланган тамаойиллар асосида меҳнат бозорининг таркиб топиши, аҳолининг иш билан банд қилишнинг назарий-амалий жиҳатлари борасида изланишлар олиб борилган, хусусан ушбу олимлар томонидан ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим устувор масалалари, ишсизлик муаммосини ижтимоий муҳофаза этиш, муайян ижтимоий-демографик гуруҳларнинг иш билан бандлиги ва қўшимча иш ўринларини яратишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган[8,9,10].

Юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишлари меҳнат бозорини амалий жиҳатдан илмий ўрганишда ва таҳлил қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Лекин бугунги кунда меҳнат бозорини статистик баҳолаш ва прогнозларини тузишнинг методологик муаммоларига бағишланган комплекс статистик тадқиқот мавжуд эмас. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини статистик баҳолаш ва

прогнозлаш усуллари муаммоларини ўрганиш ва ечиш бўйича алоҳида тадқиқотларни амалга ошириш ушбу илмий ишнинг мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини ёритишига замин яратади. Унинг долзарблик даражасини янада оширади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида тошкент вилояти иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик тахлили мақсадида илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришнинг мушоҳада, индуксия ва дедуксия, динамик қаторлар, анализ ва синтез, монографик тадқиқ этиш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди. Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юқори ижтимоийиқтисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги – ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар

Меҳнат ресурсларини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ҳамда иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва нафақахўр катта ёшдаги кишилар ташкил қилади. Меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлган ва вақтинча банд бўлмаган, ишлашни хоҳлайдиган ва ишни фаол излайдиган ишсизлардан иборат қисми иқтисодий фаол аҳоли деб аталади. Меҳнат ресурсларининг нофаол қисмига ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқийдиган меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, ишга жойлашишга муҳтож бўлмаган ёки ишлашни хоҳламайдиган меҳнат ёшидаги кишилар, 3-гурӯҳ ногиронлари киради. Ўзбекистон Республикасидаги демографик ўзгаришлар меҳнат ресурслари сони ва таркибидаги ўзгаришлар тенденциясини белгилаб бермоқда.

Forrester Research таҳлилчиларининг баҳоларига кўра, инсон ресурсларини бошқариш ахборот тизимлари (HRM-тизимлар) жаҳон бозорининг ўсиш суръати яқин вақтларда 9%дан сал камни ташкил қилади, бу эса йиллик 3-4% суръатда ўсадиган ERPқарорлар бозоридан баланддир. AMR Research9 компанияси тадқиқотчиларининг таъкидлашича, ИСБ ахборот тизимлари бозори саноат амалий дастурлари бозоридан 2 баравар тезроқ ўсади, уларнинг башорат қилишича, 10 млрд. долларлик чегара 5 йил ичида босиб ўтилади. Дунёдаги энг йирик HRM-тизимлар таъминотчилари - Oracle, SAP, SumTotal, Infor (Lawson), Saba, Cornerstone, Kenexa (IBM) ҳисобланади. Бу еттилик глобал бозорнинг ярмини эгаллайди. HR-мутахассисларнинг фикрига кўра, инсонларни бошқаришда Ғарб ва Шарқ ёндашуви HRM-тизимлари ходимларни бошқаришда фарқ катта. Улар турли хил усуллар билан инсон ресурсларини баҳолашни автоматлаштиришни таъкидлашади. Жумладан, мамлакатимизда, ходимларнинг меҳнат тарихини сақлаш, ходимларни шакллантириш ва бошқариш, имтиёзлар ва чегирмаларни ҳисоблаш каби масалаларга кўпроқ эътибор қаратилган[11]. Шу билан бирга, аксарият маҳаллий кадрлар ходимларни танлаш ва сертификатлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон беради. Тошкент вилояти аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, 2017 йилда 54794 мингга ташкил қилган бўлса 2019 йилга келиб 64086 минг киши туғулгани кўришимиз мумкин. 2021 йилга келиб эса 72659 минг киши дунёга келганини кўришимиз мумкин (1-жадвал) [12].

Туғилганлар сони тўғрисида маълумот


| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------------|---------------|---------------|---------------|--------------|--------------|
| Тошкент вилояти | 54 794 | 59 300 | 64 086 | 65954 | 72659 |
| Нурафшон ш. | 675 | 686 | 907 | 891 | 1039 |
| Олмалиқ ш. | 2 421 | 2 485 | 2 885 | 3008 | 3370 |
| Ангрен ш. | 3 439 | 3 510 | 3 633 | 3994 | 4257 |
| Бекобод ш. | 1 637 | 1 635 | 1 955 | 1914 | 2123 |
| Чирчиқ ш. | 2 159 | 2 340 | 2 504 | 2668 | 2750 |
| Оҳангарон ш. | 588 | 654 | 696 | 711 | 733 |
| Янгийўл ш. | 1 009 | 1 030 | 1 159 | 1243 | 1512 |
| туманлар: | | | | | |
| Оққўрғон | 2 169 | 2 386 | 2 537 | 2615 | 2810 |
| Оҳангарон | 1 971 | 2 063 | 2 198 | 2216 | 2513 |
| Бекобод | 3 300 | 3 570 | 3 758 | 3654 | 4048 |
| Бўстонлиқ | 2 816 | 3 089 | 3 268 | 3240 | 3445 |
| Бўка | 2 493 | 2 928 | 2 960 | 2982 | 3370 |
| Зангиота | 3 745 | 4 141 | 4 589 | 2456 | 4806 |
| Қибрай | 3 516 | 3 790 | 4 006 | 4608 | 4893 |
| Қуйичирчиқ | 2 140 | 2 331 | 2 385 | 3048 | 2811 |
| Паркент | 3 245 | 3 577 | 3 804 | 4271 | 4432 |
| Пскент | 1 854 | 1 975 | 2 021 | 4068 | 2566 |
| Ўртачирчиқ | 3 076 | 3 363 | 3 706 | 2135 | 4074 |
| Чиноз | 2 792 | 2 884 | 3 209 | 3908 | 3614 |
| Юқоричирчиқ | 2 566 | 2 875 | 3 149 | 3234 | 3472 |
| Янгийўл | 3 993 | 4 383 | 4 736 | 4921 | 5601 |
| Тошкент | 3 190 | 3 605 | 4 021 | 4169 | 4420 |

Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат бозорига ҳам катта босим ўтказиб, иш билан бандлик масаласини янада кескин қилиб қўймоқда. Юртимизда 2021 йил 1 август ҳолатига доимий аҳоли сони 35 млн. кишини ташкил қилиб, таҳлилларга кўра, 2030 йилда мамлакат аҳолиси 41 миллион кишидан ошади. 2020 йилда мамлакатимизда 841 минг киши туғилган (24,6 промилле) бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига 500 мингдан кўпроқ ёшлар кириб келиши аҳолининг иш билан бандлик масаласини муҳим устувор масала қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат бозорига ҳам катта босим ўтказиб, иш билан бандлик масаласини янада кескин қилиб қўймоқда. Юртимизда 2021 йил 1 август ҳолатига доимий аҳоли сони 35 млн. кишини ташкил қилиб, таҳлилларга кўра, 2030 йилда мамлакат аҳолиси 41 миллион кишидан ошади. 2020 йилда мамлакатимизда 841 минг киши туғилган (24,6 промилле) бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига 500 мингдан кўпроқ ёшлар кириб келиши аҳолининг иш билан бандлик масаласини муҳим устувор масала қилиб қўймоқда. Афсуски, яқин вақтга қадар аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорига оид кўрсаткичлар меҳнат бозоридаги реал ҳолатни акс эттирмас ва ҳисобот учун рақамларни “сохталаштириш” ҳолатларини кузатиш мумкин эди. Мамлакатимизда яқин вақтгача меҳнат ва бандлик соҳасидаги илмий изланишларни амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи ягона илмий-тадқиқот

институти мавжуд эмаслиги ушбу соҳага жиддий эътибор берилмаганлигини кўрсатади[13].

Норасмий бандликнинг юқори даражаси табиийки иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигига тўғри келиб, бу соҳада банд бўлганларни расмийлаштириш ва ортиқча ишчи кучини эса бошқа соҳаларга ўтказиш бўйича кенг ишларни амалга оширишни тақозо этади (1-расм).



1-расм. Норасмий бандларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича структураси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ташкил этилганлиги аҳолининг иш билан бандлиги масаласи давлат сиёсатининг муҳим устувор аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Меҳнат институтига вазирликнинг “ақл маркази” сифатида меҳнат бозори, меҳнат муҳофазаси, меҳнат миграцияси, миллий малака тизими ва касбий стандартларни такомиллаштириш каби йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ва соҳа олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этиш вазифаси қўйилганлиги вазирлик ва Институтга катта масъулият юклайди. Ушбу вазифани ҳал этиш эса меҳнат соҳасида амалий тажрибага эга илмий даражали, юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни ва мазкур соҳада амалга оширилаётган илмий ишларнинг натижаларини амалиётга жадал жорий этилишини талаб қилади.

Бандлик сиёсатининг пассив чораларидан (ишсизлик нафақаларини тўлаш) аҳоли бандлигига кўмаклашишга қаратилган фаол чора-тадбирлар доирасини кенгайтормоқда. Айниқса, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларга микрокредитлар, иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар, паррандалар ажратиш, уларни касбга, шу жумладан, тадбиркорликка ўқитиш, тайёрлаш орқали уларнинг иш билан банд бўлишлари ва даромад олишларига қаратилган барча зарур чоралар фаол амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 октябрь ҳолатига меҳнат ресурслари 19,3 млн. киши, жами иш билан бандлар 13,6 млн. киши, шу жумладан иқтисодиётнинг расмий секторида 6,1 млн. киши (40,7 %), иқтисодиётнинг норасмий секторида 5,9 млн. киши (39,6%), иқтисодий нофаол аҳоли 4,3 млн. киши, чет элда ишлаш учун кетганлар 1,6 млн. киши ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар 1,4 млн. кишини (9,4%) ташкил қилган[14].

Мамлакатимизда жами иш ўринларининг 90 фоизи хусусий секторда яратилишини ҳисобга олсак, мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, давлат корхоналарини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш, бюрократия ва коррупция иллатларини баратараф этиш ва фақат тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий ривожланишга эришиш мумкинлигини халқимиз онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Тошкент вилояти кўчиб келганлар сони 2021 йилга келиб 35265 киши еткани кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Кўчиб келганлар сони тўғрисида маълумот йилда киши

| | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------|--------|--------|-------|-------|
| Тошкент вилояти | 19 176 | 18 602 | 30791 | 35265 |
| Олмалиқ ш. | 1 421 | 1 097 | 1489 | 1422 |
| Ангрен ш. | 896 | 650 | 1200 | 1637 |
| Бекобод ш. | 845 | 686 | 286 | 841 |
| Чирчиқ ш. | 2 077 | 1 991 | 6178 | 3433 |
| Оҳангарон шаҳри | 333 | 710 | 953 | 953 |
| Нурафшон шаҳри | 265 | 71 | 339 | 1003 |
| Янгийўл шаҳри | 394 | 690 | 1094 | 1489 |
| туманлар: | | | | |
| Оққўрғон | 289 | 297 | 291 | 411 |
| Оҳангарон | 478 | 511 | 657 | 793 |
| Бекобод | 500 | 475 | 322 | 681 |
| Бўстонлиқ | 647 | 674 | 1112 | 870 |
| Бўка | 457 | 245 | 364 | 762 |
| Зангиота | 1 666 | 1 718 | 2448 | 3084 |
| Қибрай | 2 660 | 2 460 | 2364 | 3639 |
| Қуйичирчиқ | 659 | 888 | 1329 | 1062 |
| Паркент | 292 | 242 | 175 | 373 |
| Пскент | 612 | 628 | 496 | 730 |
| Ўртачирчиқ | 974 | 945 | 2038 | 2070 |
| Чиноз | 497 | 380 | 870 | 1377 |
| Юқоричирчиқ | 1 040 | 1 414 | 2531 | 3275 |
| Янгийўл | 883 | 661 | 2922 | 2441 |
| Тошкент тумани | 1 291 | 1 169 | 1333 | 2919 |

Янги ташкил этилган барқарор иш жойлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатлиликнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда. Иш

жойлари – бу ишчи кучига бўлган талабни таъминлайдиган меҳнат бозорининг белгиловчи элементларидан бири. Ишсизликни камайтириш ва бандликни рағбатлантириш муаммоларини иш ўринлари яратиш жараёнидан ажратиб бўлмайди[15]. Иш жойларининг мавжудлиги, яратилиши ёки қисқариши меҳнат бозори фаолияти ва ишчи кучининг такрор ишлаб чиқарилишига сезиларли даражада таъсир қилади. Иқтисодий жиҳатдан самарали иш жойи самарали иш билан таъминлаш деб аталади, бу ходим учун ишчи кучини тиклаш ва оиласи ва фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун даромад ва фойда олиш имконияти, яъни келажакдаги потенциал ишчи кучини шакллантириш. Шундай қилиб, бўш иш ўринлари мавжудлиги ва меҳнат салоҳиятини ривожлантириш имконияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги танглик даражасини камайтириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– миллий хусусиятдан келиб чиқиб касаначилик меҳнатини жорий этиш, миллий ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш каби иш билан бандликнинг самарали шакллари ривожлантириш. Айтиш жоизки, бу шаклдаги иш ўринларини ташкил этишга кам харажат қилган ҳолда юқори натижага эришилади;

– ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. Бунинг учун ҳудудлардаги мавжуд корхоналарда мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш; касбга тайёрланадиган фуқароларнинг корхоналарда ишга жойлашишини кафолатлаш; ишсиз фуқароларни таянч касб-ҳунар коллежларида касбга тайёрлашга эътибор қаратиш лозим;

– ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни квота иш ўринларига ишга жойлаштириш. Бу тоифадагиларни квота иш ўринларига ишга жойлаштиришдаги муаммоларни ечиш учун: ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган аҳоли қатламини аниқлаш мониторингини такомиллаштириш; квота иш ўринлари яратиш бўйича мавжуд бўлган имкониятлардан самарали фойдаланиш; корхоналар ички имкониятларини тўлиқ ўрганиб чиқиш; ҳудуддаги ҳар бир корхона бўйича белгиланган квота иш ўринлари яратилганлиги ва ушбу иш ўринларига аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ишга жойлашиши бўйича мониторинг сифатини ошириш; квота иш ўринлари яратаётган корхоналарга қонунчилик доирасида бериладиган имтиёزلарни самарали тарзда тарғибот қилиш тавсия қилинади;

– бошқа мамлакатларга бориб даромад топаётган фуқароларни расмий иш билан бандликка ўтказиш учун мустақил хорижга ишга бораётганларга пенсия жамғармасига тўловни амалга оширишни ихтиёрий қилган ҳолда, иш билан бандлигини маҳаллий бошқарув муассасаларида қайд қилиш ва меҳнат дафтарчаси юргизишни йўлга қўйиш лозим;

– аҳолининг иш билан бандлигини ошириш чора-тадбирлари сифатида янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки иш ўрни ҳар қандай ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг биринчи бўғини бўлиб, айнан унда ишлаб чиқариш жараёни элементларининг барчаси яхлитлашади ҳамда янги истеъмол қийматлари, меҳнат маҳсулотлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Фан ва технология, 2014. - 11-б.
2. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избр. /Дж.М.Кейнс. –М.: Эксмо, 2007. – 960 с
3. Lucas R. E. Tobin and Monetarism: A Review Article. Journal of Economic Literature. – 1981. №6 P. 562; Oswald A. The Economic theory of trade unions: an introductory survey. Scandinavian Journal of Economics. –1985. V. 67. P. 160 – 193
4. Rudebush C.D. Testing for Labour market disequilibrium with and exact excess demand disequilibrium model. Review of, Economics and Statistics. – 1986. V. 68. P. 468–476
5. Ванкевич Е.В. Экономические проблемы становления рынка труда. – Минск: ООО «Мисанта», 1996. – 68 с.
6. Экономика труда / Под ред. М.А. Винокурова, Н.А. Горелова. - Спб.: Питер, 2004. – 656 с. С. 19
7. Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993. 6. Альманах Узбекистана 2013. – Т., ЦЭИ, 2014.
8. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: «Fan», 2019 йил. - 670 б.
9. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. – Т., 2014.
10. Akbarova Z., Umarova M.A., Shakirova N.A. Mehnat statistikasi.o'quv qo'llanma.Toshkent:-Iqtisodiyot,-2020, 190 bet
- 11.Архипова О. Создание новых рабочих мест – приоритетная задача Узбекистана. // Журнал «Бозор, пул ва кредит», №12, 2019 йил.
- 12.Ўзини ўзи банд қилганлар сони 200 мингдан ошди. Худудлар кесимида етакчилар маълум бўлди: <https://kun.uz/news/2020/08/01/ozini-oziband-qilganlar-soni-200-mingdan-oshdi-hududlarkesimida-yetakchilar-malum-boldi>
- 13.Абдурахмонов Қ.Х., Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. –Т., 2019. - 256 б.
- 14.Бакиева. Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт. 2019. - 220 б.
15. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/8359-proizvodstvo-valovogo-vnutrennego-produkta-6>